2009 ЙИЛ, 7 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (11.507)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Саноат

ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали корхоналаримизда жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топаётгани иқтисодиётимиз ривожида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Шаҳримизда узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган «Тошкент лок-бўёқ заводи» очиқ акциядорлик жамияти шундай давр талаблари асосида самарали фаолият юритаётган корхоналар сирасига киради. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур корхона жамоаси ўз истиқболи йўлида аввало тайёрлаётган маҳсулоти сифатига алоҳида эътибор қаратади, мутахассислар янги турларни яратишда узоқ изланишади, ички бозорни чуқур ўрганишади, имкониятлардан оқилона фойдаланишади.

Шу ўринда завод қошидаги марказий лабораториянинг етакчи мутахассислари, олимлари ҳақида ҳам тўхталиш жоиз, албатта. Боиси, ҳар қандай корхонанинг муваффақиятини таъминлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлигига бевосита боғлиқлигини ушбу жамият тадбиркорлари тўғри англашган. Цехларда реконструкциядан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, 1 йилда ўртача 15000 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, ундан 20 фоизга яқини Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинади.

Жамоа аҳли ҳозирда 10 турдаги лок-бўёқ маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, булар: — лок, эмаллар, грунтовкалар, сувли бўёқлар, пигментлар, шпатлевкалар, шунингдек, тармоқ суюқлиги, алиф ва бошқаларни ташкил этмоқда. Янги товарлар эса марказий лабораториянинг етакчи ходимларининг ижодий изланишлари маҳсули бўлиб, турли ранглардаги экологик тоза фасад бўёқлари, йўлларни белгилашда ишлатиладиган оқ эмаллар, паркет ва мебель локлари, жилосиз лок-бўёқлар ҳамда турли ранглардаги шпатлевкалар шулар жумласидандир. Бу ерда янгилик яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш устида доимий изланилади.

Жорий йил охиригача ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида маҳсулотнинг харидоргир турларини кўпайтириш ҳамда буюртмачилар сафини кенгайтиришни жамоа аҳли эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: лок-бўёқ маҳсулотларининг харидоргирлигини таъминлашда сифатга асосий эътибор қаратилмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жорий йилнинг октябрь ойида «Ипак йўли бўйлаб туризм» XV халқаро сайёҳлик ярмаркасини ўтказишни режалаштирмоқда.

ТОШКЕНТДА ТУРОПЕРАТОРЛАР УЧРАШУВИ

Ушбу ярмаркада дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатларининг сайёҳлик билан боғлиқ компаниялари қатнашиш истаги борлигини билдиришди. Бу йилги Тошкент ярмаркасида илк бор Миср ҳам иштирок этади, ушбу мамлакатга туризм бизнеси, меҳмонхона хўжалиги, авиация орқали юк ташиш ва бошқа сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган компанияларининг имкониятларини намойиш этишлари учун катта стенд ажратилган.

Мисрнинг "Ад-Давлийя" компанияси директори Ала Жабер ўтказиладиган ярмарка ҳақида жумладан қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Миср делегацияси таркибига реклама агентликлари вакиллари ҳам жалб этилган. Биз ярмарка давомида "Миср куни" тадбирини ўтказишни ҳам режалаштирмоқдамиз. Ушбу тадбирда иштирокчиларга мазкур соҳа бўйича амалга оширилаётган дастурлар ва таклиф этилаётган хизматлар, Мисрнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берамиз, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари суратга олинган ҳужжатли ва видео фильмларни намойиш этамиз. Ўйлайманки, ўзбек туроператорларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва мамлакатингизнинг бошқа шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш имконини бера оладиган махсус дастурлари мисрлик ва минтақамиздаги бошқа ҳамкасбларимизни қизиқтиради.

"Жаҳон" АА, Қоҳира

«ТОШКЕНТ-ТОЛА»:

ТОЛАМИЗ ШУҲРАТИ ОШМОҚДА

Шу йил 14-15 октябрь кунлари пойтахтимизда V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бошқа соҳаларда бўлгани каби пахта хомашёси етиштириш ва экспорт қилишда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Пахтакорларимиз етиштираётган юқори сифатли тола узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари жиҳатидан хорижлик харидорлар томонидан халқаро микёсда кенг тан олинган.

Сифати жаҳон андозаларига тўла мос толамизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар томонидан харид қилинмоқда. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тўқимачилик корхоналарининг ўзбек толасига эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Юртимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб бериш, ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур тадбир маҳсулотни харидорга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмини янада такомиллаштириш, хорижлик харидорлар сафини кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Мамлакатимизда пахтакорларимиз етиштирган толани харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган йигирма иккита минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Тошкент-Тола" пахта терминали уларнинг энг йириги. Ҳудудлараро мақомга эга ушбу корхона пойтахт вилоятининг тўққизта пахта тозалаш корхонасида ҳамда Андижон вилоятида тайёрланган толани «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзинтеримпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бермоқда.

"Тошкент-Тола" пахта терминали кунига 500 тонна хомашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиш имконига эга. Шу билан бирга, терминалдан бир кунда 900 тоннадан ортиқ толани экспорт қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Корхонада толани юклаш ва ташиш ишлари замонавий автоюклагичлар ҳамда ўнга яқин «Мерседес-бенц» автопоездлари ёрдамида белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб берилаётгани харидорлар мушкулини енгиллаштирмоқда.

Харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда маҳсулот билан танишишни енгиллаштириш мақсадида икки йил аввал эркин омбор тизими йўлга қўйилди. Ҳозир терминалнинг омборларида бир вақтнинг ўзида 7 минг тонна пахта толасини сақлаш имконияти бўлиб, харидор сотиб олган хомашёни хоҳишига кўра олиб кетилгунча омборларда сақлаши мумкин. Шунингдек, тола экспорти билан боғлиқ зарур ҳужжатларни тезда расмийлаштириш учун шу ернинг ўзида барча шароит яратилган. Корхонада Ўзбекистон «Сифат» марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти каби хизматларнинг ташкил этилгани олди-сотди ҳужжатларини қисқа вақтда расмийлаштириш имконини бермоқда. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташқи савдо компанияларига етказилади.

— 2008 йилда етиштирилган пахта ҳосилидан харидорларга 63 минг тонна тола етказиб бердик, — дейди «Тошкент-Тола» минтақавий пахта терминали директори Рашид Умархўжаев. — Айни пайтда 14-15 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган халқаро пахта ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ушбу анъанавий ярмарка йилнинг энг қулай вақти — пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилиши ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун бирдек манфаатлидир. Корхонамизда барча омборхоналарни таъмирлаб, харидорларга янада қулайлик яратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқдик. Кўргазма иштирокчиларини юртимизда етиштириладиган пахта хомашёсига оид барча маълумотлар билан таништириш ниятидамиз.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Иқтисодиёт вазирлиги, Осиё тараққиёт банки, Ўзбекистон инженер-консультантлар ва қурувчилар уюшмаси ҳамкорлигида иқтисодчилар, банк соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар иштирокида ўтказилган семинар консалтинг компаниялари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида олимлар иштирокида умумий ўрта таълим фанларини ривожлантиришнинг муҳим омилларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги «Академасбоб» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган тадбир нефть ва газ тармоғи фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бирлашма тадқиқотчилари томонидан яратилган янги технологияларнинг тақдимотига бағишланди.

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалари қўмиталари томонидан «ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари» мавзуига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Uzmedexpo-2009» иккинчи ихтисослашган халқаро тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир «IEG Uzbekistan» кўргазмалар компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида ўтказилмоқда.

● Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори, Қашқадарё вилоятида ҳам пластик карточкадан қулай ва ишончли тўлов воситаси сифатида кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, вилоятда жорий йил бошида тўловларни пластик карточка орқали қабул қилиш терминаллари 1766 та бўлган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 2700 тага етди. Шундай ихчам тўлов воситаларидан фойдаланувчилар эса 335 минг нафардан ошиб кетди.

● Тошкент вилояти Хўжакент қўрғонининг хушманзара гўшаларида Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг турли шаҳарларидан келган иқтидорли қўшиқчилар иштирокида 9-бор «Кузги аккорд» номли муаллифлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бўлажак тадбиркорларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида «Ўз ишингни бошла!» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

● Тўрақўрғонлик фермер Абдуллажон Парпиев хайрли ишга қўл уриб, Шовон қишлоғида ўз даромади ҳисобидан маҳалла гузари қурилишига ҳомийлик қилди.

● Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 400 ўринга мўлжалланган академик лицей фойдаланишга топширилди. Ижтимоий фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ушбу билим даргоҳи «Маҳмуд Достон» қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилиб, қурилиш ишларига 3 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Голландия парламентида НАТОнинг Афғонистондаги миссиясида мамлакат ҳарбийларининг иштирокини тўхтатишни ёқлаб овоз беришди.

● Россиянинг «Газпром» компанияси 2020 йилга бориб жаҳондаги сиқилган табиий газнинг 25 фоизини ишлаб чиқаришга қаратилган режани амалга оширишни бошлади.

● Бразилия A/H1N1 гриппи тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадлари учун қўшимча равишда 1,23 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.

● Кеча Швецияда физика соҳаси бўйича Нобель мукофоти навбатдаги соҳибларининг номлари маълум қилинди. Яъни ушбу йўналишда хитойлик олим Чарльс Као, америкалик тадқиқотчилар Жорж Смит ҳамда Уильярд Бойт совринга эгалик қиладилар.

● АҚШ Президенти Барак Обама маъмурияти Эронга қарши санкциялар тўпламини тайёрлашни бошлади.

● Кеча Туркиянинг Истанбул шаҳрида 188 та мамлакат молия соҳаси вакиллари иштирокида Халқаро валюта фондининг форуми бошланди. Унда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш йўллари муҳокама этилмоқда.

● Кеча Грециянинг янги сайланган Бош вазири Йорас Папандреу янги ҳукумат таркибини шакллантирди.

● Сомалилик қароқчилар томонидан Туркиянинг бундан 3 ой олдин қўлга олинган «Горизонт-1» кемаси маълум миқдордаги гаров пули эвазига қўйиб юборилди. Ҳозирда мазкур кема 23 нафар экипаж аъзоси билан Иорданиянинг Акаба портига келтирилган.

● Норвегия жаҳондаги яшаш учун энг барқарор мамлакат деб тан олинди. Шундай маълумотлар БМТнинг инсон салоҳияти ривожланиши тўғрисидаги йиллик маърузасида мавжуд. Ушбу маърузага кўра 5 та энг барқарор мамлакатлар қаторига, шунингдек, Австралия, Исландия, Канада ва Ирландия ҳам кирди.

● Россия Бош санитар врачи Г.Онищенконинг таъкидлашича, сўнгги маълумотларга кўра мамлакатда A/H1N1 гриппига чалинганлар сони 570 кишига етган.

● Ироқнинг Анбар музофотида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 8 киши ҳалок бўлган, 20 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

Португалиянинг Инвестиция ва ташқи савдо агентлиги қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала мамлакат тадбиркорлари иштирок этди.

ЛИССАБОНДА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Тадбирда Лиссабон шаҳрига борган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари Ш.Тўлаганов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси вакиллари ҳамда Португалиянинг "EDP", "GALP ENERGIA", "Enoforum", "Transitex", "Grapo Azevedos" каби йирик компания ва корхоналари раҳбарлари, шунингдек, ушбу мамлакатнинг Иқтисодиёт ва инновация вазирлиги, саноатчилар уюшмаси, савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этди.

Португалия Инвестиция ва ташқи савдо агентлиги ижрочи директори В.Моргадо икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва инвестиция алоқаларининг янада ривожланиши сари қўйилган муҳим қадам саналган ушбу тадбирнинг улкан аҳамият касб этишини таъкидлади.

Унинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларга эгалиги, қулай геостратегик жойлашуви ва мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши Португалия компанияларининг Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни фаоллаштиришга ва ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр бўлишлари учун кўмак вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари португалиялик ҳамкасбларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инвестиция муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан таништирдилар.

Асосий эътибор "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг фаолиятига қаратилди. Португалиялик тадбиркорларга эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бой маъданий-хом ашё заҳиралари базасига эгалиги, жойлашувининг қўшни минтақалар ривожланаётган бозорларига яқинлиги ҳамда Ўзбекистон томонидан таклиф этилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тақдимот маросимида "Ўзинфоинвест" агентлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик компанияси ва "Ўзвинсаноат-холдинг" холдинг компаниялари ўз соҳаларини намойиш этишди.

Португалия Инвестиция ва ташқи савдо агентлиги президенти Б.Орта учрашув якунлари бўйича қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

– Биз Ўзбекистон ҳақида, сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликка қизиқиш уйғотган янги бозор ҳақида янада кўпроқ маълумотлар олишга муяссар бўлдик. Португалия фирма ва компаниялари қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишга тайёр. Бунинг учун Ўзбекистонда барча қулай шароитлар яратилган, энг муҳими мамлакатда сиёсий барқарорлик ҳамда сўнгги йиллар давомида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг мунтазам ўсиб бориши таъминланган.

Тадбир якунида "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Португалиянинг Инвестиция ва ташқи савдо агентлиги ва Саноатчилар уюшмалари ўртасида, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Partex Services Corporation" компаниялари ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

«Жаҳон» АА

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИБОРДА

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Микрокредитбанк АТБ ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлаш мақсадида анъанавий «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳасини ўтказиб келмоқда.

Ўтган 2008 йилда лойиҳа доирасида жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳларга мурожаат этган 1652 нафар ёш тадбиркорларнинг 952 нафарига бир миллиард 904 миллион сўм микрокредитлар ажратилган. Шунингдек, республика босқичида ғолибликни қўлга киритган 28 нафар ёшларга бугунги кунга келиб танловнинг ўтказиш тўғрисидаги тартибга мувофиқ сармояни шакллантириш учун олинган кредит фоиз ставкалари "Камолот" ЁИҲ томонидан тўлаб берилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, қишлоқ ҳудудларидаги ҳунармандчилик, касаначилик, паррандачилик ва шу каби бошқа кичик тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда танлов ғолибларининг сонини ўтган йилга нисбатан икки баробарга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор — 2009" кўрик-танловининг Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича вилоят ва республика босқичлари ўтказилди. Танловнинг вилоят босқичларида иштирок этган 1900 нафардан зиёд ёш тадбиркорларнинг 50 нафари республика босқичига йўлланма олди.

Жорий йилнинг июль-август ойларида биринчи минтақа Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун ҳамда иккинчи минтақа Тошкент шаҳри, Бухоро, Сирдарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари учун танловнинг республика босқичи ўтказилиб, унда ёшлар ўзларининг бир-биридан қизиқ ва долзарб лойиҳалари билан иштирок этишди. Танлов натижаларига кўра, 20 нафар ёш тадбиркорлар ғолиб деб топилиб, фоизсиз кредит олиш имкониятини қўлга киритди.

ИНСОНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани соҳадаги ислоҳотларнинг энг муҳим босқичларидан бўлди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши анча камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Европа Иттифоқи комиссияси ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда ана шулар ҳақида гап борди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жамият тараққиётига ҳамоҳанг тарзда чуқурлашаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда миллий қонунчилигимиз босқичма-босқич такомиллаштирилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг яхлит тизими шакллантирилди.

Анжуманда Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик асосларининг халқаро умумэътироф этилган тамойилларга тўла мос ҳолда яратилгани, адвокатура институтининг чуқур ислоҳ этилгани билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Германиялик халқаро эксперт Хербарт Аминларининг фикрича, Ўзбекистон нафақат фуқаролик ва хўжалик ҳуқуқи соҳасида, балки жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида ҳам Марказий Осиё давлатлари ичида етакчи ўринда туради. Ушбу семинарнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани эса бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Халқаро эксперт Пиер Чарлз Роландо-Лапиера (Франция) Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, айниқса, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш борасида тўпланган тажриба, жумладан, ярашув институтини бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам жорий этиш самарали бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари, суд ҳокимияти вакиллари ҳамда ўттизга яқин халқаро экспертлар иштирок этган тадбирда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят процессуал амалиёти соҳасидаги тажрибаси бўйича фикр алмашилди ва бу соҳадаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Касаба уюшмалари ташкилотларида

ЭНГ МУҲИМИ ОММАВИЙЛИК

Азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан касаба уюшмалари аъзолари, ёшлар, меҳнаткашлар ўртасида «Яккасарой» спорт мажмуасида «Саломатлик» спартакиадаси мусобақалари ташкил этилди.

Унда мавжуд 13 та тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларида спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» кўпкураш тестлари, «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий беллашувлар уюштирилиб, бир ярим минг нафардан зиёд ёшлар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мини-футбол мусобақаларида «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти аъзолари биринчи ўринни эгаллашган бўлса, стол тенниси баҳсларида қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмалари ташкилоти аъзоси Александр Сухарковга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, шахмат, шашка беллашувлари Нормат Тошпўлатов, Ольга Лежаниналарнинг маҳоратлари бошқа рақибларидан кучлироқ эканлигини намойиш этди.

«Алпомиш ва Барчиной» тестларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Академик» жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, дартс мусобақаларида Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмалари жамоаси аъзоси Равшан Раҳимов, автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари ташкилотининг «Автомобиль» жамоаси вакили Мукаррам Содиқова ғолиблар сафидан ўрин олди.

Умумжамоа ҳисобида спартакиадага пухта тайёргарлик кўриб, энг яхши кўрсаткичларни қайд этган Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касаба уюшмалари ташкилотининг «Машинасоз» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари ташкилотининг «Маорифчи» жамоаси иккинчи ўрин билан кифояланди.

Спартакиада якунида ғолиблар ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: спартакиада ғолиблари тақдирланмоқда.

Козим Ўлмасов олган сурат

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида тиббиёт ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Университет тасарруфидаги талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба ёшлар иштирокидаги тадбир Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокимияти, Республика "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ва Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Учрашув давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ёшлик талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши раис ўринбосари Сурайё Икромова. – Унда талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларда тиббий кўникма ҳосил қилиш ва эртанги ҳаётга тайёрлаш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Учрашувда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

"Туркистон-пресс"

Халқимизга хос бўлган ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-мурувват сингари юксак инсоний фазилатлар асрлар оша завол топмай яшаб келаётганлиги ғоят қувонарли ҳолдир. Эҳтиёжманд кишига кўмак бериш, меҳрга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш, йиқилганни суяш ўзлигимизни белгилайдиган асрий қадриятлардан саналади. Бу хайрли, эзгу анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги чин маънода ифтихор этса арзигулик ҳодисадир.

Қонунларимизни ўрганамиз

ШАРТНОМА АЛБАТТА ТУЗИЛИШИ КЕРАК

Дарҳақиқат, ҳаёт ҳамиша синовлардан иборат бўлган. Шундай мураккаб жараёнда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик асқотади. Оёғинг лойга ботганида ўзгалар ёрдамидан умид қиласан. Ҳиммати баланд, ҳотамтой инсонлар кўмагида гоҳида ўз йўлингни топиб кетасан, гоҳида эса... Бугун одамлар орасида ёрдамга чўзиладиган қўллар сони камайиб кетмоқда. Бунга улар ўртасидаги ишончга путур етаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳар қандай одам ҳам турмуш чорраҳаларида баъзан бировнинг кўмагига эҳтиёж сезади. Шундай кезда ёрдамини дариғ тутмаган саховатли инсондан беҳад миннатдор бўлиб, яхшиларнинг борлигига шукрона айтади. Мавриди билан бу яхшиликка, албатта, яхшилик билан жавоб қайтаришни кўнглига тугади. Бироқ, беш қўл баробар бўлмаганидек, яхшиликни тез унутадиган, ҳатто унга ёмонлик билан жавоб қайтарадиганлар ҳам, афсуски, учраб туради.

Яқинда бир кишининг озорланиб сўзлаган воқеаси гувоҳи бўлдим.

Дўстим «Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман, сармоя кўтармай турибди. Қарз бериб тур, ишларим юришиб кетса, ортиғи билан қайтараман, бир қўллаб юбор», — деб қолди.

«Кўп йиллик дўстим-ку, ёрдам бериб турсам унда ҳам қолиб кетмас» деб ўйлаб, қандай рози бўлганимни билмайман. Катта миқдорда қарз бердим, дейди афсусланиб ҳалиги киши.

Дўстимнинг ишлари юришиб кетди. Бу орада айтилган муддат тугаб, қарзни ундириш учун 2 йилча унинг уйига қатнадим. Дўстим эса мен билан учрашишни истамай, "кутиб тур, қайтараман ўша пулингни", дерди беписандлик билан. Охир-оқибат қарз олганлигини ҳам тан олмай қўйди. Унинг лафзига ишониб катта хато қилганлигимни билгач, қарзни ундириш мақсадида судга бердим. Аммо судда у қарз олганлигини исботловчи ҳужжат талаб этди. Сўзида турмаган дўстимдан қаттиқ ранжидим. Ўшанда дўстимдан тилхат ёздириб ёки гувоҳ ёллашга андиша қилгандим. Бу андиша, ишонч бир кун келиб оворaю сарсон қилишини ўйламаган эканман.

Бу каби ҳолатлар одамлар орасида учраб турибди ва улар ўртасидаги муносабатларга дарз кетишига сабаб бўлмоқда. Агарда улар қарз бериш ва уни қайтариб олишнинг қонуний асосларига таянсалар, ҳаётда билиб-билмай дуч келинадиган кўнгилсизликларнинг олди олинармиди?!

Қарз беришда, аввало, томонлар ўртасида қарз шартномаси нотариал идорада расмийлаштирилиши керак. Шунда қарздордан қарзни ундириш ҳуқуқий кафолатланади. Бунда фуқаролар ўртасида қарз шартномаси тузилади. Шартнома тузиш жараёнида ҳар икки тарафга нотариал идора томонидан уларнинг ҳуқуқий масъулият ва кафолатлари тушунтирилади. Агар қарз белгиланган муддатда қайтарилмаса, нотариал идора қарздорни огоҳлантиради, зарур ҳолда суд орқали қарзни ундириб бериш чорасини кўради.

Дарҳақиқат, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши лозим бўлади.

Маълумки, азалий қадриятларимизда лафз тушунчасига қатъий амал қилиб келинган. Тарбияларимиз асосида лафзи ҳалолликка йўғрилган ўгитлар билан улғайганмиз. Шу боис бўлса керак, баъзан қарз берувчи таниш-билиш, қариндош-уруғчиликни юз-хотир қилибми, қарз шартномасини нотариал идорада расмийлаштириш тугул, қарздордан тилхат ёздириб олишга ҳам андиша қилишади. Бундай ҳолда, агарда лафзсизлик юзага келса, қарз олган кишини қарздор эканлигини асословчи далил келтира олмай овора бўлишади. Шунинг учун турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олишда қонуний йўлни танлаш икки томон учун энг ишончли кафолатдир. Қолаверса, қарз олган қарзини қайтаришни орқага суриб эл олдида иснодга қолмайди, яхшилик қилувчи беҳудага пул, вақт ва асаб сарфламайди.

Муяссар ТОШПЎЛАТОВА,
Учтепа тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал Жамғарма Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида самарали амалга оширилаётган тадбирларни юксак баҳолайди.

Ушбу жамғарма томонидан Ўзбекистонга "Сил" компоненти бўйича қиймати 50,6 млн. АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиши маъқулланди.

Беш йиллик муддатга (2010-2014 йиллар) ажратилган грант доирасида юқори сифатли диагностикадан фойдаланиш имкониятларини, силга чалинганларни даволаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтиришни мўлжалланмоқда.

Лойиҳанинг 2011 йилнинг 31 декабригача давом этадиган қиймати 12 миллион 98 минг АҚШ долларига тенг биринчи босқичи учун грант битими имзоланди, иккинчи босқич эса 2014 йилгача амалга оширилади.

(ЎзАА)

ИШГА МАРҲАМАТ!

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозори ҳам тубдан ўзгариб туради. Корхоналарга йилдан-йилга янада малакали, ўзига хос кўникмаларга эга кадрлар талаб қилинмоқда. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик равнақи туфайли одамлардан янги замонавий билим ва касбларни эгаллаш талаб этилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази жамоасининг ўз ўрни бор. Шу хусусда ўқув маркази директори Абдуҳамид Мустагизов қуйидагиларни гапириб берди.

Бандлик

МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатни жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашда тўлақонли равишда барча кучларни сафарбар этиш талаб қилинади. Бунда авваламбор ҳар бир жабҳада мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш қаторида, шунингдек, янги имкониятларни излаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўрта махсус касб таълими вазирлигининг қарорига кўра ҳамкорларимиз сафи жорий йилда янада кенгайди. Ҳозирда ўқув марказимиз 6 та эмас, балки шаҳримиздаги 13 та касб-ҳунар коллежлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг натижасида йил охиригача 600 нафар доимий банд бўлмаган шаҳарликлар хоҳлаган касбларига тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш имкониятидан фойдаланади. Ўқув марказимизда қатъий режа асосида доимий равишда пойтахтда фаолият юритаётган корхона, ташкилотларга қайси мутахассисларга реал талаб, эҳтиёж борлиги ҳар томонлама ўрганилади. Бизда нафақат токарь, слесарь, пайвандчи, фрезерчи, электрик, тикувчи каби ишчи касбларига, балки замонавий ҳисобланган ЭҲМ оператори, иш юритувчилари ҳам тайёрланади.

Жумладан, жорий йилда Бандликка кўмаклашувчи марказларга пойтахтимиздаги ташкилотлардан тушган таклифлар ўрганилиб, ўқув марказимизда иккита янги мутахассислик — компьютер ва офис техникасини таъмирловчи ҳамда мобиль (қўл) телефонларини таъмирловчи усталар ўқитилмоқда. Таълим марказимизда мутахассисларни тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий жиҳозланган ўқув мажмуасида кенг, ёруғ аудиториялар, компьютер синфлари, амалиёт учун махсус ускуна, дастгоҳлар ўрнатилган хоналар ва албатта, 25 нафар малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган ўқитувчилар жамоаси таълим самарадорлигини талаб даражасида бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, марказимиз бошқа таълим масканларидан фарқли ўлароқ, туман бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан йўлланма билан юборилган фуқарони беш ой (узоғи билан, ишсизлик мақоми эса қонунга биноан олти ойга берилади) давомида маълум касбга бепул ўқитади, жумладан, унга ўқиш давомида стипендия ҳам берилади. Энг асосийси эса бизнинг битирувчилар иш ўрнига эга бўлишади.

Шаҳримизда долзарб бўлган бандлик масаласи ечимига муносиб ҳисса қўшишимизда, яъни ўқув марказининг моддий-техник базасини доимий янгилаб бориш, қулай шарт-шароитлар яратиш, ўқитишнинг илғор, замонавий, самарали йўлларини қўллашимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ёрдамини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ишга жойлашиш муаммоси билан тўқнашган ҳар бир киши малакасига мос, маоши ҳам қаноатлантирадиган ишни топиши осон эмаслигини яхши билади. Кимнинг малакаси, тажрибаси, ҳаттоки касби бўлмаса, бундан-да қийин аҳволга тушиб қолади. Бизнинг марказ айнан фуқароларни шундай муаммолардан фориғ бўлишида энг мақбул имкониятдир. Асосий вазифамиз ҳам мустақил равишда ишга жойлаша олмаётганларга бевосита ёрдам беришдан иборат.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Юртимизда истиқлол шарофати билан ёшларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишлари, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга барча имкониятлар яратилган. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига қаратилган эътибор ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни етук мутахассислар қилиб тайёрлаш, меҳнат бозорида эркин рақобатга ҳозирлаш, жисмонан соғлом бўлишларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшлар — келажагимиз

МИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

2000 йилда шаҳримизда биринчилардан бўлиб реконструкция қилиниб, коллеж мақомини олган Мирзо Улуғбек Саноат касб-ҳунар коллежида бўлганимизда ёшларимизга яратилган қулай шарт-шароитларнинг гувоҳи бўлдик. Иккита ўқув корпусларидаги замонавий жиҳозланган фан синфлари, лабораториялар, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, катта, ёруғ қироатхона, Маънавият-маърифат хонаси, спорт зал, 2 та стадион, тренажёр зали, 200 ўринли шинам, қулай ошхона ўқувчилар ихтиёрида. Ушбу ўқув йилида коллежда 1048 нафар ёшлар таълим олмоқда. Бу ерда 8 та «Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари», «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Пайванд конструкциялар ишлаб чиқариш», «Электр таъминоти», «Бухгалтерия ҳисоби», «Сув ва газ таъминоти жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар, — дейди коллеж директори ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси Зокир Ғаниев, — ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро уйғун, чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Йилдан-йилга бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

Ўқувчиларимизга ҳам етарлича билим бериш, танлаган касбларига астойдил меҳр қўйишлари, қизиқишлари янада ортишида, малакали, етук мутахассислар қилиб тарбиялашда устозларимизнинг беқиёс меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ўз касбининг заҳматкашлари бўлган 57 нафар ўқитувчи ҳамда 23 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари ёшларга сабоқ бермоқда. Улар орасида айниқса, ўз тажрибаси, касб-маҳорати билан жамоада ўрнак бўлаётган Мавлуда Нодирова, Ҳамид Эргашев, Лариса Питония, Салима Ёқубовалар ҳамда «Дўстлик» ордени соҳиби Сергей Солсин, Бобоёр Болтаевларни алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, ёш ўқитувчиларимиз Ойдин Бадалова, Давлат Худоёргановлар ҳамда ишлаб чиқариш усталаримиз Муқаддас Ғойибназарова, Гулбаҳор Шукурова, Беҳзод Баҳриддиновлардан умидимиз катта.

Ўқувчиларнинг чуқур билимли, етук мутахассис бўлиб етишишларида ўқитувчилар 10 дан ортиқ умумтаълим, ижодий мутахассислик бўйича тўгаракларни самарали юритишмоқда. Ёшларнинг касбларига қизиқишлари, тўгаракларга фаол қатнашишлари, керакли кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам берибгина қолмай, уларнинг бўш вақтларини мароқли, сермазмун ўтказишлари, келгуси ҳаёт йўлларини тўғри танлашларида ҳам асқотади.

Шу ўринда коллежнинг яқин ҳамкорлари, маслакдошларига ҳам тўхталиш жоиз. Масалан, кўп йиллардан буён самарали давом этиб келаётган беғараз, ўзаро манфаатли алоқалар Низомий номидаги Педагогика университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент автомобиль ва йўллар институти ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаларининг ибратли ишлари самарасидир. Бу йўлда тажриба алмашиш, малака ошириш, ижодий баҳс-мунозаралар ижобий маҳсулини бермоқда. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини муваффақиятли ўташларида ҳам соҳанинг етук мутахассислари маслаҳатларига таянилади.

Узоқ йиллар давомида таълим маскани ўқувчилари «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти, Металл қўшма корхонаси, «Андоза» масъулияти чекланган жамияти, «Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамияти каби корхоналарда режавий амалиёт ўташмоқда. Қувонарлиси, ушбу корхоналар маъмурияти кўплаб битирувчиларни иш жойлари билан таъминламоқда. Ўтган — 2008-2009 ўқув йили битирувчилари бандлигини таъминлаш ишлари 99 фоизга бажарилди. Қувонарлиси, вилоятлардан келиб коллежда таҳсил олган битирувчиларга ҳам талаб ошган, уларнинг деярли барчаси иш билан таъминланмоқда.

Мазкур коллежнинг иқтидорли, қизиқувчан, зукко ўқувчилари турли республика, шаҳар, туманлар миқёсида ўтказиладиган анъанавий кўрик-танловларда энг юқори совринларни қўлга киритишмоқда. Бундан ташқари, коллеж ўқувчилари чет эл лойиҳаларида, хусусан Британия кенгаши лойиҳасида фаол қатнашишмоқда. Коллежлараро ўтказиладиган «Ўз касбининг устаси» танловида пайвандловчи мутахассислигини эгаллаётган ўқувчилар доимо биринчиликни қўлдан бермай келишмоқда.

Сирасини айтганда, юртимизда мустақиллик йиллари жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлигини ушбу таълим маскани мисолида кўриб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Савол сиздан...

КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ БЕРИЛАДИМИ?

Мен ишга кириб, оз фурсатдан кейин қайнонам хасталиги туфайли беморга қараяпман. Беморга қараганим учун касаллик варақасига пул бериладими?

Дилобар Низомова, Собир Раҳимов тумани

«Бюллетень пули» аслида меҳнатга қобилиятсизлик даври учун касаллик варақаси бўйича тўланадиган нафақа деб юритилади. Бу каби нафақалар ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан тўланиб, унинг миқдори меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ходимнинг умумий иш стажига боғлиқ бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, касаллик варақаси одатда ишлаётган ходимларга берилади. Сиз қайнонангиз касаллиги сабабли ишга келмасангиз демак, сизга касаллик варақаси берилмайди.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИ!

Асосий иш жойимдан ташқари ўриндошлик асосида бошқа корхонадан қўшимча иш олмоқчиман. Икки жойда ишласам, маошни қай тарзда оламан?

Собир Валиев, Сергели тумани

Асосий иш жойингизда ҳам, ўриндошлик билан ишлайдиган корхонада ҳам сиз маошни тўлиқ оласиз. Аммо қўшимча даромад олганлик учун солиқ тўланади.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

Меҳнат билан боғлиқ баъзи низолар келиб чиққан тақдирда қандай ҳолларда туман ёки шаҳар судида кўриб чиқилади?

Беҳзод Нишонов, Миробод тумани

Меҳнат билан боғлиқ меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман ёки шаҳар судида кўриб чиқилади:

— агар ходимнинг ишлаш жойида меҳнат низолари бўйича комиссия тузилган бўлса;

— меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлаш ҳақида бўлса;

— Меҳнат кодекси 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисида бўлса.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: Қандай шахслар ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалар?

Шарифа Носирова, Миробод тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

* * *

Савол: Ўн икки ёшли ўғлимиз болаликдан 1-гуруҳ ногирони. Олти ёшидан буён нафақа олмаган, биз яқинда кейинги олти йил учун унинг нафақа олиши мумкинлиги тўғрисида эшитиб қолдик. Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Сапура Иномова, Чилонзор тумани

Жавоб: Олувчи томонидан ўз вақтида талаб этиб олинмаган нафақа суммаси нафақа олиш учун мурожаат қилинганидан олдинги ўтган вақт учун кўпи билан уч йилга тўланади.

Нафақа тайинланган ёки нафақа тўлаётган органнинг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси ўтган вақт учун бирор бир муддат билан чеклашсиз тўланади. Кўрсатиб ўтилган ҳолда нафақанинг бир йили қисмлари эса ҳар ойда нафақанинг жорий қисмига қўшимча тарзда ойлик нафақадан ошмайдиган тенг улушларда тўланади.

* * *

Савол: Биз ёшлар ўзаро мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг асосий вазифалари нималардан иборат эканлиги хусусида баҳс-мунозара қилдик. Бироқ аниқ тўхтамга кела олмадик. Илтимос, шу ҳақда тушунча берсангиз.

Жавоб: Албатта, баҳс-мунозара қилиб туриш икки тараф учун ҳам фойдалидир. Шу боис саволингизга бажонидил жавоб берамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери мазкур палата мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

палата қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Олий Мажлис Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади ҳамда фармойишлар чиқаради.

* * *

Савол: Корхона ёки ташкилотнинг ички меҳнат тартибига иш берувчи ҳам бўйсуниши шартми?

Аҳрор Ўлмасов, Юнусобод тумани

Жавоб: 1999 йилда ишлаб чиқилган «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар ички тартибининг намунавий қоидалари» Адлия вазирлигида мазкур йилнинг 14 июнида 746-рақам билан рўйхатга олинган. Ушбу қоидалар асосида корхона маъмурияти томонидан тузилган ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, иш ва дам олиш вақти, меҳнат интизомини таъминлаш ҳамда бошқа масалаларни ҳал этишда асосий локал ҳужжат ҳисобланади.

Қоидаларга риоя этиш иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам мажбурийдир.

Ички меҳнат тартиби қоидаларини тузиш зарурлиги шундаки, Меҳнат кодексининг 100-моддасида ходим ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш мумкинлиги назарда тутилган.

* * *

Савол: Танишларимдан бири ўзи ишлайдиган корхона томига чиқиб, эҳтиётсизлиги туфайли йиқилиб тушган ва шифохонада даволанган.

Айтингчи, ушбу кўнгилсиз воқеа оқибати учун корхона маъмурияти жавобгар бўлиши мумкинми?

Солиҳ Асатов, Чирчиқ шаҳри

Жавоб: Жабрланувчига агар у ногиронлик гуруҳига чиқарилмаса, корхона унинг бир йиллик ўртача ойлик маошидан кам бўлмаган миқдорда товон пули ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотганлик ҳолатига қараб ойма-ой кўрилган зарар пулини тўлаши керак. Шунингдек, унинг даволаниш учун кетган барча харажатлари ҳам корхона ҳисобидан қопланади. Меҳнат қонунчилигини бузган шахслар ҳам жазосиз қолмайди.

* * *

Савол: Ногиронлиги бор ўғлимга пенсия беришни тўхтатиб қўйишди, нима сабабдан эканлиги тўғрисида тушунча берсангиз.

Дилобар Ҳакимова, Ҳамза тумани

Жавоб: Агар ногирон узрсиз сабабларга кўра тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади. Уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин узоғи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Узрли сабабга кўра қайта кўрикдан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин узоғи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўрикдан ўтиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ учун тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўрикдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб қўйилган бўлса, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар пенсия тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

* * *

Савол: Менга боғлиқ бўлмаган сабаб ва шароитлар туфайли икки йилдан бери пенсия ололмаяпман. Ижтимоий таъминот бўлими уни тўлиқ тўлайдими ёки...?

Мирсобир Ғайратов, Бектемир тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни (ўзгартиришлар билан)нинг 59-моддасида белгиланганидек, пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Башарти, пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Икром ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос

Ўқув масканларида

САНЪАТ — ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида 284 нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олаётган 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини ошириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқасининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар яратиш, мусиқа таълими ва санъат соҳасида юқори натижаларга эришишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг ёшлар тарбияси ва билим олишига эътибор янада кучайди, — дейди Чилонзор туманидаги 15- Болалар мусиқа ва санъат мактабининг директори Ҳамидулла Сагдуллаев. – Бу ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилаётган эзгу ишларда ҳам ёрқин ифодасини топмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги мактаб биноларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини тубдан такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани биз илму маърифат соҳаси вакилларини жуда қувонтирди. Айни пайтда ўқитувчи меҳнатини қадрлаш, педагогларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этаётгани жуда қувонарлидир. Бугунги кунда ёшларимиз дунё саҳналаридан ўзбек диёрини ўз куй ва қўшиқларида оламга тараннум этмоқдалар. Уларнинг қўлга киритаётган улкан ютуқлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Қаердаки билим пухта берилса, келажакка ишонч билан қаралса ва кўзланган мақсад сари оғишмай ҳаракат қилинса, бу албатта ўз мевасини беради. Зеро, мусиқа санъати ва маданияти инсон тафаккурининг, онг ва шуурининг янада теранлашувида ўзига хос ўрин эгаллайди. Инсонларни эзгуликка ва яхшиликка чорлайди.

Мазкур Болалар мусиқа ва санъат мактабида болаларга ўзбек халқ чолғулари, фортепиано, торли асбоблар, хореография, тасвирий санъат бўйича билим берилади. 1966 йилда ташкил қилинган мазкур мактабда мусиқа санъатининг кўзга кўринган вакиллари таҳсил олганлар. Айни пайтда бешта гуруҳга бўлинган бўлимларда 37 нафар мусиқа ўқитувчилари ёшларга мусиқа санъатидан сабоқ бериб келмоқдалар.

Бу ерда таҳсил олаётган ёшлар турли мусиқа танловлари, фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритиб келаётганлари ҳам мактабнинг юқори нуфузидан дарак беради.

Айниқса, Г.Бабханова, Е.Маркелова, А.Мирзаев, М.Парпиев, Н.Саруханян, Н.Аракелова, Р.Пардабоева, Ҳ.Сагдуллаев каби иқтидорли ўқитувчилар бой тажрибаларидан фойдаланган ҳолда болаларга мусиқа сабоқларини бермоқдалар.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида ташкил қилинаётан концерт дастурлари эса барчага манзур бўлмоқда.

Айниқса яқинда шаҳримизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган концерт дастурида ўқувчилар ижросида янграган «Савти Ироқ», «Дутор баёти» куйлари, «Тошкентим», «Маленкая страна» қўшиқлари, «Кадриль», «Лўлилар рақси» бу масканда таълим олаётган ўқувчиларнинг иқтидори ва истеъдодининг юқори савияда шаклланиб бораётганидан далолат берди. Муҳиддин Қори-Ёқубов номли танлов ҳамда «Янги авлод—2008» Болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи совриндори Фозил Фарҳодов ижросидаги «Андижон полькаси» куйи эса олқишларга сазовор бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: концерт дастуридан лавҳа.

Соғлом она — соғлом бола

ОНА ВА БОЛА СКРИНИНГИ НИМА?

Бугунги кунда ҳомиладор аёлда, ҳомиланинг ривожланишида бирор нуқсонлар кузатилса, яширин кечувчи туғма касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида керакли чора-тадбирларни белгилаш мақсадида республикамизда скрининг текширувлари ўтказилади. «Скрининг» сўзи инглиз тилида «оммавий саралаш» деган маънони англатади. Ҳомиладор аёллар қони таҳлил қилиниб, ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонлари борлигини эрта аниқлаш ва скрининг марказларида қўшимча текширишлар ўтказиб, ногирон фарзанд туғилишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Жумладан, республикамизда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларини эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Ҳомиладорлик ва туғруқ даврларининг асоратсиз кечиши ҳамда соғлом фарзанд туғилиши оналарнинг ўзига боғлиқ. Яъни, аёл ҳомиладорлик даврида қуйидагиларга аҳамият бериши муҳимдир: тўғри овқатланиш ва шахсий гигиенага риоя қилиш.

ОВҚАТЛАНИШ ҲАҚИДА

Дарҳақиқат, ҳомиладорлик даврида тўғри овқатланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу даврда аёлнинг вазни 11-15 килограммгача ошиши табиийдир.

Ҳомиладор аёл ҳар куни ушбу гуруҳларга кирувчи озиқ-овқатларни истеъмол қилиши керак:

— гуруч, нон, дон ва макарон маҳсулотлари;

— мева ва сабзавотлар.

— сут-қатиқ маҳсулотлари, пишлоқ;

— гўшт, балиқ, дуккакли маҳсулотлар, тухум, ёнғоқ;

— ҳомиладор аёллар ва кўкрак билан эмизувчи аёллар учун мўлжалланган поливитамин комплекслари шулар жумласидан.

Меъёрий кечаётган ҳомиладорликда тўрт маҳал овқатланиш тавсия этилади. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 5-6 маротаба овқатланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тез-тез ва камкам овқатланиш овқатнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради.

ШАХСИЙ ГИГИЕНА ВА ДАМ ОЛИШ

Ҳомиладорлик даврида соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳомиладор аёлларга очиқ ҳавода тез-тез сайр қилиш, уй ишларидан сўнг 20-30 дақиқа дам олиш тавсия қилинади. Бу даврнинг бошланғич ойларида уйқу ҳар доимгидек ва иккинчи ярмида уйқу соати бирмунча узаяди.

Ҳомиладор аёл ҳар куни душ қабул қилиши зарур, лекин ванна қабул қилиши мумкин эмас. Ванна ҳомиладорларнинг ҳолсизланиши, оғриқ ҳосил бўлишига ва туғруқ жараёнининг муддатидан олдин кечишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом авлод — келажак пойдевори, оиланинг бахти, қувончи албатта. Соғлом фарзанд кўришни истасангиз, юқоридаги тавсияларга амал қилишни унутманг, азиз аёллар!

Қонун барчага баробар

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Д.Акбаров ва А.Ҳошимовлар С.Рўзиматова билан танишиб, унга миллий валюта — сўмни АҚШ долларига алмаштириб бериши мумкинлигини айтади. Келишувга кўра Севара Рўзиматова янги шерикларга қўнғироқ қилиши лозим эди. Унгача эса Д.Акбаров ва А.Ҳошимовлар қаердан бўлмасин 20 минг АҚШ доллари топишга ҳаракат қилишди.

Мақсад йўлида анчагина тер тўккан икковлон Б.Саидхоновни топишди ва табиийки "ёғли" мижоздан у ҳам улуш олишига келишилди. "Бизнес режа"га кўра 20 минг АҚШ долларини қора бозор нархида 1800 сўмдан сотишни режалаштирган "шоввозлар" 3000 долларлик соф фойдани "арра" қилишмоқчи бўлишган эди.

Қиш кунларидан бирида соат тахминан 20 ларда Севара Д.Акбаровга қўнғироқ қилиб, Тамарахоним кўчасига келишини айтади. Шериклар ҳаш-паш дегунча етиб келишди. Шу куни Д.Акбаров ва А.Ҳошимовлар С.Рўзиматова билан келишган ҳолда унга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу кунги расмий курси бўйича 27.922.400 сўмни ташкил қилувчи 20 минг АҚШ долларини қонунга хилоф равишда қора бозор нархида 1800 сўмдан ҳисоблаб, жами 36 миллион сўмга сотишди. Аммо уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати охиригача бормади. Шу пайтда қонунбузарлар Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан далилий ашёлар билан ушланди.

Очиқ суд залида қонунбузарлар айбларига иқрор бўлишди. Далилий ашё сифатида олинган 20 000 АҚШ доллари давлат фойдасига мусодара қилиниб, айбдорлар тегишлича жазо олишди.

Шоҳруҳ РИХСИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚҚ Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими бошлиғи ўринбосари

Спорт янгиликлари

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги 24-турида пешқадам «Бунёдкор» жамоаси очко йўқотди.

Ўтган турларнинг барчасини ғалаба билан якунлаб якка пешқадам бўлиб олган «Бунёдкор» сафарда «Олмалиқ» командаси билан куч синашди. Томонларнинг тенг курашлари остида кечган ўйинда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди ва «Бунёдкор» жорий йилги дастлабки дуранг натижага эришиб икки очкодан маҳрум бўлди.

Ўз майдонида «Навбаҳор»ни қабул қилган «Локомотив» жамоаси уюшқоқ ҳаракат қилиб сермазмун, тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этди ва рақиби устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мамлакатимизнинг тўққиз карра чемпиони «Пахтакор» ўз майдонида «Сўғдиёна» командасини 5:1 ҳисобида енгди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Насаф» — «Металлург» — 3:0, «Андижон» — «Динамо» — 2:0, «Бухоро» — «Қизилқум» — 3:2, «Хоразм» — «Машъал» — 2:1.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 25-тур беллашувлари 9,12,13 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

УЧИНЧИ ТУР НАТИЖАЛАРИ

Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларининг учинчи тури якунланди.

Ушбу турда терма жамоалар қуйидаги натижаларни кўрсатишди. Тринидад ва Тобаго — Парагвай — 0:0, Миср — Италия —4:2, Испания — Венесуэла — 3:0, Таити — Нигерия —0:5, Уругвай —Гана — 2:2, Англия—Ўзбекистон —1:1.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2-Трамвай депоси трамвай ҳайдовчиси касбига эга бўлганларни ишга таклиф этади. Шунингдек, трамвай ҳайдовчиси касбини эгаллашни истовчи 21 ёш ва ундан ошган шаҳримиз йигит ва қизларини ўқишга таклиф этади.

Маълумот учун телефонлар: 272-81-97, 272-80-92.

Ўз-ўз ўйганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Яхши бир инсон қошингга
келса ҳожатманд бўлиб,
Хуш гапир, кўрсат тавозу,
ҳожатин этгил раво.

* * *

Тушса бошингга мусибат,
сабру бардош айлагил,
Бир аламга икки шодлик бор,
демишдир Раббано.

* * *

Шошмагил, сабру чидамлар
бирла келгайдир нажот,
Ҳар не айларсен, таҳаммул
бирла сен этгил адо.

* * *

Сўйлама сиррингни, сўйлаб,
кимсага фош айлама,
Бор магар дўстингда ҳам бир
неча дўсту ошно.

* * *

Нури дийдам, ота-онанг ҳаққини
қил эҳтиром,
Жумла хешу акраболарга
мададкор бўл мудом.

* * *

Бўл мудом сен хуштабу
хушхулқ ёронлар улфати,
Жонга роҳат, қалбга зийнатдир
уларнинг суҳбати.

* * *

Берма инсонларга озор тил
била, берсанг – ғалат,
Сертавозу кимсага, жоним
фидо, дерлар фақат.

* * *

Баланд манзилни кўзлаб
сарфла, молинг, эҳтиром бўлгай,
Сенга Ҳақ ҳимматидин рутбайи
олий мақом бўлгай.

* * *

Ким менга меҳру муҳаббат
ошкор этса, анга
То тирикмен айлагум меҳру
муҳаббат ошкор.

* * *

Кеча ношойиста бир иш айлаган
эрсанг, бугун
Икки яхши чора айлаб, эт
унинг ҳаққин адо.

* * *

Яхши ишни эртага этгум дея
қолдирмагил –
Ким, билур, етгаймусен ё йўлда
топгайсен фано.

* * *

Сен бугун нафсингга эт қаҳру
итобким, нафи бор,
Чунки кечган кунларинг
қайтмаслар энди мутлақо.

* * *

Гар очилсайди шу ер остида
ётган симу зар,
Соҳибу хизматчи бўлмас эрди
инсонлар аро.

* * *

Улки ул мулку маконлар бирла
мағрур эрдилар,
Ел совургай энди тупроқларни,
йўқдир ҳеч ваҳо.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2811 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 906

Топширилган вақти: 14.05